

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 155 (10.460)

2005 ЙИЛ 10 АВГУСТ



14 йил муқофаси
O'ZBEKISTON

Бунёдкорлик

АҲОЛИГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Ана шу мақсадда Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида ушбу ҳудудда қатор иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Шу боис ҳам айни кўзгидек паллада қурилиш майдонларида ғайрат-шижоат кўрсатаётган бунёдкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг ҳам эзгу ниятлари битта — ўз ваъдаларининг устидан чиқиб, улуг байрамни ёруғ юз билан нишонлашдир.

Сағбон кўчасида қад ростлаётган иншоотлар қанми, сифат ва мўлдатга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди фирма раҳбари Исмоил Отаниёзов. — Фолиб чиққан эса ана шунга қатъий амал қиламиз, тез ва соз бунёд этамиз. Бу борада фирмамизнинг 100 нафардан зиёд қурувчиси тажрибали ва

маҳорати, айниқса ҳамжихатлиги қўл келади. Ёрдამчи пудратчиларни эса ички тендер асосида танлаймиз ва ҳар бир қурилишда уларнинг ёрдамига таянамиз.

«Дипонс» шўъба корхонаси бюртмаси асосида қурилаётган ушбу 3 қаватли бинода ҳаво ҳарорати доимий 18°С бўлиши таъминланади. 1-қаватда гўшт, 2-қаватда гўшт маҳсулотлари ва 3-қаватда сут ва колбаса маҳсулотлари учун расталар бўлади. Айни кунларда қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишлари кетма-кет амалга оширилаётган мажмуа қурилишида бош пудратчиларга «Ирмахуссури» акциядорлик жамияти, «Нурмонтажсервис» корхонаси ва бошқа ёрдამчи пудратчи ташкилотлар яқинда ёрдამ бермоқда.

Фирма-нинг машаққатли касбини ёъозлаб, тажриба тўплаган бунёдкорлари режага қатъий амал қилишади. Бу борада бунёдкорлик ишларида 25-30 йиллик тажрибага эга ишбилар Пўлат Нурбоев, Одамбой Отамуродов, бригадир Улўбек Раҳмонов, пайвандчилар Исмоил Норбоев, Юсупбой Машариповларнинг ҳиссалари салмоқли. Улар вақтдан, қурилиш ашёларидан унумли фой-

даланишмоқда. Шунинг баробарида қурувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам самарадорлик ортишида муҳим ўрин тутмоқда. Қурувчилар доимий иссиқ овқат билан таъминланади, соғлиқлари эса шифокор назоратида.

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллик шодиёналарини ҳар йилгидек бу йил ҳам янги иншоотни фойдаланишга топшириб, кўтаринки кайфиятда нишонлашга аҳд қилган бунёдкорлар «Эски Жува» бозори кўрамлигини янада ошириш ниятида бозорнинг катта гумба-

зини қайта қуриш ва таъмирлаш ишларига ҳам бел боғлашган ва танловда ғолибликни қўлга киритишган. Шунингдек, улар бозорни ободонлаштириш юмушларида ҳам фойдаланишмоқда. Бугунги ҳаракат ҳам ана шунга яраша баракали бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: Сағбон кўчасида қад ростлаётган «Сут-гўшт маҳсулоти» савдо мажмуаси қурилишидан лавҳалар: ишбоши Одамбой Отамуродов ва бригадир Улўбек Раҳмонов; пайвандчилар бригадаси иш устида; пайвандчи Бобоҷон Ҳоҷиев.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

«Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчиларининг ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ТРАСЕКА лойиҳасини татбиқ этиш доирасида Буюк Ипак йўлини тиклаш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишга Бухоро кўприк қурилиши бошқармаси жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Аму-Қорақўл канали устидан лойиҳа қиймати 900 миллион сўмини ташкил этувчи, узунлиги 75, эни 22 метрлик янги кўприкнинг барпо этилиши шу жумладандир.

Жорий йилнинг биринчи ярмини «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси жамоаси яхши кўрсаткичлар билан яқунлади. Ўтган мўддат ичида 8,2 миллион йўловчи манзилларига элтиб қўйилди, 22,5 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташилди.

Тошкентда Жанубий Кореянинг «АНАКА» ёшлар ташкилоти делегацияси ҳамкорлигида икки мамлакат аъёнлари, уюмларини ўрганишга, ёшлар билан ишлаш борасидаги тажрибаларини алмашишга бағишланган семинар ўтказилди.

Ҳонобод-Андижон сув йўлининг ишга туширилиши 2 миллион аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш имконини берди.

Янгийўл шаҳрида шу йил бошидан буён 35 та кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъекти иш бошлади, натижада 900 га яқин янги иш ўринлари яратилди.



Молдова Президенти Владимир Воронин фармонида кўра ташкил қилинган махсус миллий комиссия «Молдова-НАТО ҳамкорлиги» тўғрисида режа ишлаб чиқмоқда.

Қизил Хоч Халқаро кўмитаси Ғазо ҳудудида ўз фаолиятини тўхтатганини маълум қилди. Бунинг боиси Фаластин мухторияти махсус хизмати халқаро ташкилотлар ҳодимлари хавфсизлигини таъминлаб бера олмаётганига қарши норозилик аломатидир.

Берлин шаҳридаги кўп қаватли биналардан бирида чиққан кучли ёнғин натижада тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган, бир нечта киши турли даражада тан жароҳатларини олган. Ҳозирда фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Сибирдаги учта минтақа — Новосибирск, Омск областлари ҳамда Олтой ўлкасида кишиларнинг парранда гриппи билан касалланишлари хавфи мавжуд. Зеро, парранда гриппи кузатилган юқоридаги барча учта минтақа ёввойи сув қушларининг Жанубий Африка, Хиндхитини ва Жанубий Шарқий Осиёдан кўчишининг асосий йўлларида жойлашган.

«Жаҳон» АА

XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

«Жаҳон» АА

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МЕЪЁРЛАРИГА МУВОФИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонининг Германиядаги акс-садоси

Германия Федератив Республикаси Адлия Федерал вазирлигининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармони ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, у Ўзбекистонда келгусида ҳуқуқий давлатчиликни шакллантиришда зарурдир. Бу масалалар долзарб бўлиб, у адлия вазир Б. Мустафоев бошчилигидаги Ўзбекистон хайъатининг яқинда Германияга амалга оширган сафари чоғида муҳокама қилинган эди. П. Вилькицкий сўзларига кўра, «бизнинг тавсияларимиз амалга ошганидан хурсандимиз».

Германия федерал Иқтисодий

ҳамкорлик ва тараққиёт вазирлигининг Марказий Осиё бўлими бошлиғи В. Армбрустер ҳам Фармонни олқишлар экан, ушбу қадам республика раҳбариятининг ижтимоий-ҳуқуқий соҳада келгусида ислохотларга тайёр эканидан далолат беради, деб ҳисоблайди.

Фрайбургдаги «Германия — Ўзбекистон илмий жамияти» президенти уринбосари Г. Келлер баҳсига кўра, «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуматининг суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар тўғрисида қабул қилган қарори мамлакатнинг демократик тараққиёт йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Бизни Ўзбекистоннинг кейинги йилларда ислохотлар соҳасидаги

катта ютуқлари қувонтирмоқда. Шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар яратилаётгани алоҳида диққат марказида турибди.

Уйлашимча, суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари соҳасидаги қабул қилинаётган қарорлар мамлакатда демократик жамият тараққиётида, айниқса, ёш авлодини тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди.

Берлиндаги «Доктор Хёк, Штигльмайер ва ҳамкасблар» адвокатлик идораси раҳбари Гетц-Себастьян Хёк Ўзбекистон раҳбариятини ушбу Фармон билан қутлар экан, Фармон фуқа-

роларнинг асосий жинойий таъкиддан ҳимоясини таъминлаш бўйича қонуний тадбирларини қабул қилишда муҳим асос яратди, деди.

Г. Хёк ушбу Фармоннинг Европа мамлакатлари, хусусан, Германиядаги айнан шундай қонунчилик ҳужжатлари билан принципиал ўхшаш томонларига эътибор қаратади. Фармонни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида қатор масъул вазирлик ва идораларнинг жалб этилгани бу йўналишда келгуси тадбирлар аниқлинишига ҳамда белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишида зарур замин яратди. Унинг сўзига кўра, Фармоннинг Олий Мажлис томонидан муҳокама этилиши муҳим бўлиб, унда тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинади.

«Жаҳон» АА

— Мусика санъатининг бош госяи инсонларни гўзаллик ва эзуликка даъват этиш, маънавиятини юксалтиришдан иборатдир, — деди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев ўза мухбирига. — Айни пайтда мусика миллат кўйфасини белгиловчи муҳим маънавий омил ҳамдир. Абу Носир Фиробий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Зайнуллобиддин Хусайний, Дарвеш Али Чангӣ каби алломаларимизнинг мусикага оид жаҳоншумул аҳамиятга молик назарий-эстетик қарашлари санъатимиз шухратини оламга ёйишга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда мумтоз мусикий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш билан бир қаторда миллий эстрада санъатини ривожлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол қаршида садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи етук мусикий асарлар яратиш, истеъдодли ёш ижодкорларни камол топтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляптир. Мусика санъатимиз хазинаси янги йўналиш, шакл, жанр, услублар билан янада бойимокда.

Давлатимиз раҳбари Ислому Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йилдан бунён хар икки йилда ўтказилиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ушбу фестивалнинг нафақат Шарқ, балки жаҳон халқлари миллий мусика ва кўшиқчилигининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш ҳамда ривожлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани мутахассислар томонидан кенг эътироф этиляптир. Миллий мусика санъатимизга бутун жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганида ҳам ушбу санъат байрамининг аҳамияти катта.

Айнан истиқлол йилларида миллий мумтоз мусика санъатимиздан жаҳон аҳлини кенг баҳрамонда этиш имкони пайдо бўлди. Ўзбекистон халқ артистлари Турғун Алиматов, Муножат Йўлчиева, Абдуҳуссейн Исмаилов, Раҳматжон Қурбонов, Фарҳод Давлатов, Насиба Сатторова, Ўзбекистон халқ ҳоҳиси Ўлмас Саиджонов каби санъаткорларимизнинг кўплаб мамлакатларда ўзбек миллий мусикасини бор жозиба ва гўзаллиги билан намойиш эта олаётгани мақом санъатининг дунё миқёсидаги илосмандларини сонини тобора оширмоқда. Бу йил Самарқандда бешинчи марта ўтказишга қиз-

гин ҳозирлик кўриляётган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали доирасидаги илмий анжуманининг мавзуси «Шашмақом аънавлари ва замонавийлик» деб танланганида ҳам катта маъно бор.

Миллий мусикий қадриятларимизнинг қайта тикланишида атоқли ҳофизлар, хонандлар ва бастакорлар ижодини чуқур ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ёш хонандларнинг Ўзбекистон халқ хофизлари Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниё-

шод Назаров, Азиза Содикова, Комил Музаев каби ёш иқтидорли мусикачиларимизнинг нуфузли хориж саҳналарида Ватанимиз шухратини янада ошираётганидан мамнунмиз.

Ёшларимиз эришяётган бундай муваффақиятларнинг яна бир сабаби шундаки, бугунги кунда уларнинг пухта мусикий билим олиши учун юртимизда мустақкам замин яратилган. Давлатимиз раҳбари Ислому Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан кўплаб замонавий мусика лицейлари, коллежлари ташкил этилди. Миллий консерваториямизнинг янги, замонавий биноси қурилиб, унга Ўзбекистон давлат консерваториясини номи берилгани аини муқдда бўлди. Ушбу билим даргоҳларида энг моҳир ва тажрибали педагоглар фарзандларимизга сабоқ бермоқда.

Мутал Бурхонов, Мустафо Бафоев, Ҳабибулла Раҳимов, Фарҳод Алимов, Аваз Мансуров, Баҳриддин Лутфуллаев, Дилором Омонуллаева, Алишер Икромов, Алишер Расуллов, Анор Назаров каби машҳур бастакорларнинг сара асарлари, мусикашунослар Файзулла Кароматов, Тўхтасин Гафурбеков, Равшан Юнусовнинг илмий тадқиқотлари ёшларимиз мусикий дидининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда бастакорларимиз театр ва кино учун бадиий юксак асарлар яратиш йўлида ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ёш мусикашунослар, мусика мунаққидларини тарбиялаш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилямоқда. Уюшма Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда ташкил этган кўплаб ижодий тадбирлар, танловлар натижаси ўларок, Ирода Дадажонова, Ойдин Абдуллаева, Нодира Омонова каби ёш мусикашунослар сафи янада кенгайлямоқда.

Истиқлол йилларида юртимиз ўзининг бой маънавий мероси, юксак ижодий салоҳияти, умидли истеъдодлари билан нафақат минтақамизда, балки бутун Шарқдаги энг йирик маданият ўчоқларидан бирига айланди. Чунки санъаткорларимиз яхши биладиларки, мустақил Ўзбекистон деб аталмиш гўзал, бетақор юртинг куйчиси бўлиш, уни юракдан севиб ардоқлаш — буюк шараф, улкан саодатдир!

Ўза мухбири Назолат УСМОНОВА ёзиб олди.

Энг эзгу ва улугвор туйғуларни кишилар қалбига жо этишда мусиканинг аҳамияти катта. Президентимиз Ислому Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларида мусика санъатимизни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Муҳташам санъат қошоналари қад ростляпти, ижодкорлар, жумладан, ёшлар ҳар томонлама кўллаб-қувватланаптир. Турли халқаро мусика фестиваллари, кўрик-танловлар ўтказилиши яхши аънамага айланди.

ОНА-ЮРТ МАДҲИ — ОЛИЙ САОДАТ

зов номидаги республика кўрик-танловлари муваффақиятли ўтаётгани эътиборга молик. Мумтоз мусика санъатимиз ривожига ёш мақом ижрочиларининг Юнус Ражабий номидаги республика фестивалининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Замонавий мусика санъатимиз равақини ҳар йили «энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллик байрами арафасида ўтказилувчи «Ўзбекистон кўшиқ байрами» республика кўрик-танловисиз тасаввур этиб бўлмайди. Танлов самараси ўларок, Ватан ҳақидаги юзлаб жўшқин ва дилбар кўшиқлар яратилиши билан бирга кўплаб ёш истеъдод соҳиблари кашф этиляптир. Болалар ва ўсмирлар кўшиқчилиги санъати ривожини учун ҳам ушбу кўрик-танлов катта маънавий-маърифий замин сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирилиги ташаббуси билан неча йилдирки, халқаро симфоник мусика фестивали, ёш ижрочилар, бастакорлар, мусикашунослар кўрик-танловларини ташкил этиш ҳам яхши аънамага айланди. Бу ёш мусикачиларимизнинг жаҳоннинг нуфузли мусика фестиваллари ва кўрик-танловларида мустақил Ўзбекистон вакили сифатида ўз санъатини муносиб намойиш этишда муҳим омил бўляптир. Фазлиддин Хусанов, Дил-

Мустақиллик медалари

СИНОВ ПАРВОЗИ МУВАФФАҚИЯТГА ЎТДИ

Мустақиллик Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти фаолияти ривожига ҳам мустақкам замин яратди. Ҳозирда корхона махсулотларига кўплаб хорижий авиакомпаниялардан буюртмалар тушмоқда, эҳтиёт қисмларнинг янгидан-янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Кунги кеча яна бир қувончли воқеанинг шохиди бўлди. Авиация бирлашмасининг учин-синов техник мажмуасидан янги ИЛ-76ТД-90ВД самолётининг ҳавога илк парвози амалга оширилди. Ушбу ҳаво кемаси юк ташишга мўлжалланган бўлиб, мамлакатимиз авиасозлари ҳамда Россия авиация двигателлари ишлаб чиқарувчиларининг ҳамкорликдаги савий-харакатлари мевасидир.

Ушбу ҳаяжонли онларни авиасозларимиз — конструкторлар, муҳандислар, йиғувчилар орзиқиб қуттишганди. Янги самолёт учин-қўниш йўлида тезликни ошириб, ердан

охиста силжиган ҳолда шиддат билан ҳавога парвоз қилди. Учувчилар фазода режалаштирилган синов машқларини бажардилар.

Синовдан муваффақиятга ўтиб, охиста қўнган ҳаво кемасининг ҳаёт юзини кўриши, йиғиши ва синовларни уюштиришда иштирок этган барча мутахассислар ҳодимлар кўнглин қутланди. Шунинг таъкидлаш кераки, Россиянинг «Волга-Днепр» авиакомпанияси билан имзоланган шартномага му-

вофик ишлаб чиқарилаётган мазкур «ИЛ-нинг янги авлодига Перм моторсозлик мажмуасида ишлаб чиқарилган ПС-90А-76 двигателлари ўрна-тилган бўлиб, у шовқин чиқариши, тежамкорлиги ва экологик кўрсаткичлари буйича энг замонавий талабларга жавоб беради. Энг муҳими, мазкур двигател хорижда ишлаб чиқарилган шунга ўхшаш техникалардан сезиларли даражада арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Халқаро андозлар талабларига жавоб бериши эса тўртинчи авлодга мансуб двигател ўрнатилган ИЛ-76ТД-90-ВД самолётига халқаро парвозларни амалга ошириш, жумладан Европа мамлакатларига учин учун кенг имкониятлар яратди. Шуниси қувонarliки, ҳозирнинг ўзидаёқ авиасозларимиз томонидан ишлаб чиқариляётган янги самолётга Хитой ва Озарбойжон давлатлари, катта қизиқиш билдирмоқда.

Янги самолётнинг муваффақият-ли парвози Ўзбекистон ва Россиялик ҳамкорларнинг раҳсон авиация бозоридан янада мустақкам ўрин олиши учун кенг уфқлар очини табиий. Зеро, шу йил 16 августда Москва шаҳрида ўтказилган халқаро «МАКС-2005» авиация салонига ИЛ-76ТД-90-ВД самолёти ўзининг энг яхши жиҳатларини бўлғуси буюртмачиларга кўрсатиши учун катта имконият туғилди. Уйлаймизки, Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти ҳамда Россиялик авиасозларнинг ҳамкорликдаги йирик лойиҳаси меваси бўлган янги самолёт ушбу нуфузли халқаро синовдан ҳам муваффақиятли ўтади.

Даврон НУРМатов СУРАТЛАРДА: янги самолётнинг синов парвозидан лавҳалар. Михаил Якубов олган суратлар.



ПОЙТАХТНИНГ бир кўни

- Янгиликлар, воқеалар
- КЕЧА** «1-Чарқ Камолон» маҳалласида ўтказилган «Оила — муқаддас Ватан» мавзусидаги тадбир Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.
- КЕЧА** шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Ифғатли келин» ўқув маркази тингловчиларига сертификатлар топширилди.
- ШАҲРИМИЗДА** қишлоқ ҳўжалик ишларида фойдаланиш мумкин бўлган мотоцикллар йиғишга ихтисослашган корхона фаолият бошлади.
- КЕЧА** Юнусобод туманидаги Гиёс Умаров маҳалласида «Барҳаёт аънавлар» мавзусида ташкил этилган тадбирда туман маҳаллалари хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.
- БУГУН** «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман Кенгаши қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан «Ўрда» гузарига ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказишларига кўмак бериш мақсадида маданият-маърифий тадбир ўтказилди. Унда «Ўрда», «Тахтапўл», «Шайхонтоҳур», «Хадра», «Ўқчи», «Оқтепа» маҳаллалари ёшлари иштирок этишди.
- БУГУН** Ҳамза туман ўқувчилар ижодиёти марказида кам таъминланган оила фарзандлари иштирокида «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман Кенгаши томонидан уюштирилган тадбир «Тилларни ўрганамиз» деб номланди.
- БУГУН** «Халқлар Дўстлиги» маҳалласида «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбир беморга тез тиббий ёрдам кўрсатиш амалиётига бағишланди.
- БУГУН** «Бошлик» маҳалласида ёшлар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати «Фавқуллоҳда ҳолатларда биринчи ёрдам» деб номланди.
- АЙНИ** кунларда «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган сартарошлик курси машғулоти давом этмоқда.
- БУГУН** «Ўқчи» ҳамда «Чўпонота» маҳаллаларида кўчма оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.
- БУГУН** Махмур ва «Умид» маҳаллаларида ёшлар спортнинг футбол, баскетбол, шахмат, шашка, аркон тортиш турлари бўйича беллашдилар.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



Мағбурлар

КАСБ БАЙРАМЛАРИНИ НИШОНЛАШДИ

Куни кеча «Тошметрополитен» бошқармасида юртимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Тошкент метрополитени меҳнат аҳлининг шарафли касб байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўз байрамларини нишонлаётган «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси зиммасида Мустақиллик шарофати билан тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган режалар сирасида янги йўллар қуриш алоҳида таъминлаш, янги қазилма конларини тезроқ ўзлаштириш, товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, пировардида халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишни ўз ичига олади.

Шу маънода компания учун ўтган — 2004 йил самарали кечди. 6 вагондан иборат «Регистон» поезде Тошкент—Самарқанд йўналиши қатновни бошлаб, унда жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, худди шу йили Наврўз байрами арафасида Амударё узра улкан автомобил ва темир йўл кўприги қуриб битказилди.

Ер ости транспортининг шунқорлари ҳақида гап кетганда нафақат

ҳамшаҳарларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам метронинг афзалликлари ҳақида тўлқинланиб «Энг қулай транспорт воситаси», «Ҳаракат мунтазамлиги бузилмайдиган, хавфсиз, шинам ер ости қасри», «Экологик талабларга жавоб берувчи», «Жазирама ёзда ҳам, қаҳратон кишда ҳам жуда қулай, роҳат бағишлайди», «Доимо саранжом-саришта, ходимлари мулойим миллионлар транспорти» каби жуда кўплаб тавсифу ташаққулар билдириши бежиз эмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Хозирги кунда Марказий Осиёда ягона метрополитенимизнинг умумий узунлиги 39 километри ташкил этувчи йўналишларида 29 та бир-бирдан гўзал, бетакрор—анъанавийлик билан замонавийлик ўзаро уйғунлашган бетакрор, 2 та электр депо ҳамда ҳаракатдаги таркибларни таъмирловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрловчи депо самарали фаолият кўрсатмоқда.

Пойтахтимизнинг муҳташам ва қулай ер ости транспорти — метро-

нинг 4 минг кишилиқ жамоаси ҳамшаҳарларимиз ҳамда меҳмонларга 1977 йилдан «Чилонзор», 1984 йилдан «Ўзбекистон» ҳамда 2001 йилдан «Юнусобод» йўналишларида намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, Тошкент метрополитени узоқ йиллардан буён Халқаро «Метро» ассоциацияси аъзоси ҳамда Ҳамдўстлик давлатлари метрополитенлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу боис ҳам метрочиларнинг сермашаққат, аммо шарафли меҳнатлари йилдан йилга халқимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари томонидан эътироф этилмоқда.

Бевосита мавзуга қайтадиган бўлсак, байрам тадбирида соҳанинг заҳматқаш ходимлари касб байрамлари муносабати билан кўкрак нишонлари, Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Тадбирга хушовоз хонанда, моҳир созанда ҳамда дилнавоз раққосалар ўзларининг бетакрор санъатлари билан ўзгача файз бағишландилар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Тошшаҳарйўловчигитранс» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти фахрий ходими» нишони соҳиблари Раҳматулла Жўраев ва Нина Умаровалар байрамона кайфиятда; иш кийимлари ўзларига ярашган лобар, ўз ишининг усталари бўлган метро ходимлари.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони Европа мамлакатларининг экспертлари, сиёсий ва ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Улар ўзларининг шарҳ ва мактубларида Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур сиёсий қарорни юқори баҳолашмоқда. Бундан ташқари улар ушбу қадам мамлакатда рўйбга чиқарилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг бир бўлаги ва манتيқий давоми эканлигини ҳамда у Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳақидаги муштарак фикрларини ўртоклашмоқдалар.

ИНСОНИЙ ҚАДР-ҚИММАТ ТАСДИҒИ

Бельгияда нашр этиладиган «Ля Газет Дипломатик» журналининг бош муҳаррири Р.Буассен Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов туганган йўлни тўла қўллаб-қувватлашни билдирган экан, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгары сурилатган муҳим ташаббуслар Ўзбекистоннинг янада тараққий топиши ҳамда мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий гуллаб-яшнашини таъминлашга хизмат қилишини қайд этди. Бундан ташқари, Р.Буассеннинг айтишича, Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинаётган қарорлар мамлакатнинг дунёдаги ҳийла ривожланган давлатлари ўртасида муносиб ўрин тутишини таъминлаш мақсадига йўналтирилгандир. Ўзбекистон мазкур Фар-

мон билан жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаган масъулиятли давлатлар кўплиги сафига қўшилди.

Шу билан бирга, мазкур қадам халқаро муносабатлар соҳасида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўз мажбуриятларини яхши англаган давлат сифатида Ўзбекистон интилишлари тасдиғини бутун дунё ҳамжамиятига намойиш этади.

Буассен ўз мактубида куйидагиларни таъкидлайди: «Мен ўзбек халқи учун ҳамда унинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий келажаги учун ушбу Фармоннинг қабул қилинишидан жуда мамнунман».

Франция Адлия вазирлиги вакили К.Кусьбернинг маълум қилишича, Франция Адлия вазирлиги Ўзбекистон Президентининг мам-

лакатда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармонини табриқлайди. Ушбу ижобий қадам ҳуқуқий соҳада ўтказилаётган ислохотларнинг далолатидир. Хозирги пайтда бу масала дунёнинг жуда кўплаб мамлакатлари учун долзарб ҳисобланади. Қабул қилинган қарор Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга хизмат қилиши баробарида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрларнинг ҳурмат қилиниши ва бажарилишининг исботи бўлиб қолади.

Унинг фикрича, ўлим жазосининг бекор қилиниши жамият маънавий муҳити, унинг дунёқараш асослари учун муҳим аҳамиятга эга. Бу қадам, шубҳасиз, жамиятда инсон ҳаёти олий қадриятлари, ижтимоий муносабатларда раҳм-шафқат ва бағрикенглик устуворлиги, давлат инсонпарварлиги ғоясининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, инсон ҳуқуқлари бўйича масъул П.Сане Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши демократия йўлидаги муҳим қадам ҳисобланишини, бу инсоний кадр-қимматнинг тасдиғи ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим тараққиётга кўмаклашишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.

Истеъмолчилар

ҳуқуқлари қонун

ҳимоясида

ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

● Фарғона вилояти, Кўкон шаҳри, Амир Темур кўчаси, 10-уй, 30-хонадонда истиқомат қилувчи К.Мирзақулов Тошкент шаҳрига келиб, хусусий тадбиркор А.Баратовга тегишли савдо дўконидан «СХ.65» русумидаги уяли телефон апаратыни сотиб олади. Бироқ харид қилинган апарат техник носозлиги боис, ишлашнинг имкони бўлмади. Истеъмолчи К.Мирзақулов мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш худудий бирлашмасига ариза билан мурожаат этган. Хозирда истеъмолчи К.Мирзақуловга тегишли маблағ қонун йўли билан ундирилиб берилган.

● Миробод тумани, Лоҳутий кўчаси, 23-уй, 112-хонадонда яшовчи Б.Қиличев «N.Сом» қўшма корхонасидан 100.000 сўмлик «HUFWEL» русумидаги уяли телефон апаратыни сотиб олади. Истеъмолчи билан имзоланган шартномага кўра унинг телефон апараты «TELECOM» қўшма корхонасининг алоқа тармоғига уланиши керак эди. Ваҳоланки, мазкур муассаса маълум сабаблар боис шу йилнинг март ойидан бошлаб ўз фаолиятини тўхтатган. Хозирда истеъмолчи ва «TELECOM» қўшма корхонаси ўртасидаги муносабатларни ижобий томонга ҳал этиш учун ваколатли органлар текширувига тавсия этилди.

● Юнусобод даҳаси, 15-уй, 55-хонадонда турувчи Н.Ботиров шу йилнинг апрель ойида «Орбита — Сервис» техник марказига «DAEMOO» русумидаги телевизорини тузатиш учун топширган. Ўртадаги расмий келишувга кўра, марказ томонидан таъмирланган телевизорнинг техник чидамлилиқ кафолати 2 йил деб белгиланади. Бироқ 100.000 сўм тўлаган истеъмолчига тегишли телевизор ҳар сафар чала таъмирлаб берилади. Бу орада Н.Ботиров техник марказга бир неча марта мурожаат қилади. Ниҳоят сабр-қосаи тўлган истеъмолчи Н.Ботиров мазкур ҳолат юзасидан худудий бирлашмага ёзма баённома берган.

Хозирда телевизор тўлиқ таъмирланиб, эгасига қайтарилган.

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш худудий бирлашмаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Азиз ҳамшаҳарлар, Сизнинг ҳуқуқларингиз ҳам бузилдими? Унда марҳамат, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингиз мумкин: 177-25-38, 76-89-35.

Дарҳақиқат, мустақиллигимиз асосчиси Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида халқимиз истиқлолнинг илк давриданок Ўзбекистонда ҳар томонлама ҳаётбаш янгилашларни кенг жорий этишга киришди. Ислоҳот - ислоҳот учун эмас, ислоҳот - инсон учун! - деган даъват бу жабҳадаги барча ижобий ишларимизнинг асл мазмун-моҳиятини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони ана шу эзгу мақсадларимизнинг яна бир яққол намоёни, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини устувор қадрият сифатида мустаҳкамлаш йўлида қўйилган навбатдаги хайрли қадам бўлди.

Эътибор беринг, юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий Қонуни-мизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шазни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деб белгиланган. Конституциянинг 24-моддасида эса яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани таъкидланган.

Айни чоғда, Президентимиз Фармонини ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги теран ислоҳотлар жараёнининг мантикий давоми, деб билмоқ лозим. Ўзбекистон мустақил тараққийётга қадам қўйганидан буён ана шу устувор мақсад ижобатига муттасил ва алоҳида аҳамият қаратиб келаётир. Конституцияимиз ҳамда унинг асосида яратилган ўнлаб кодекслар, юзлаб қонунлар, фармон ва қарорлар, бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бунинг яққол тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми саналган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди. Унга кўра, юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиний жазолар тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштиришдан иборат.

Президентимиз ташаббуси билан иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг 6-сессиясида қабул қилинган ва 2001 йил октябрь

ойида амалга киритилган «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни, шунингдек, кейинги йилларда қуча кирган судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги ва бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгаририлгани, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилгани мазкур соҳадаги демократик ислоҳотларнинг ҳақиқий самараси бўлди.

Энг муҳими, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилгани, жиний жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ушбу тизимдаги янгилашлар изчил, тадрижий ва узлуксиз жараён эканининг ўзига хос исботидир.

Мамлакатимиз жиний қонунчилигини эркинлаштириш борасидаги оқилона сиёсат натижасида бугунги кунда Ўзбекистон аҳоли жон бошига нисбатан маҳбустлар сони бўйича МДХ давлатлари орасида энг яхши кўрсаткичга эга - охириги ўринда. Ҳозир юртимизда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишини ташкил этади. Муқояса учун айталик, бу кўрсаткич АҚШда - 715, Россияда - 584, Қозоғистонда - 386 кишидан иборат.

Юртимизда жиноят учун жазо тайинлашда янги демократик ёндашувлар воқеликка айланди ва улар адолат ҳамда инсонпарварлик тамойилларига янада уйғунлашиб бораётир. Сўнгги йилларда иқтисодий соҳада жиноятга қўл урган шахсларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш имконияти кенгайтирилди. Мол-мулкни мусодара қилиш жазоси жазо тизимидан чиқариб ташланди. Эндиликда фақат жиноят қуроллари мусодара қилинади. Бундан буён қонунчилик жиноятчининг айби учун унинг оиласи ва яқинлари азоб чекишига йўл қўймайди.

Вояга етмаганлар, хотин-қизлар, шунингдек, кекса кишиларни жазолаш тизими ҳам қайта кўриб чиқилди. Тергов босқичида тергов қилинаётган шахсларни гаров вазига озод қилиш шакли фаол жорий этила бошланди. Судлар озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тобора кенгрок

қўлламоқда. Миллий қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шакллари билан бири - ярашув институтининг жорий этилиши қисқа давр мобайнида 30 мингдан ортик кишини жиний жавобгарликдан озод қилиш имконини берди.

Президентимизнинг 2003 йил 26 сентябрдаги «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармони қонунчилики янада инсонпарварлаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Энди унча

қўллашга оид жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Конституцияимизда эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг изчил ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ

қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда. Ҳозирги пайтда дунёнинг 118 давлати қонуний тартибда ўлим жазосидан воз кечган ёки уни амалда қўлламайди. Шу жумладан, 23 давлат ўлим жазосига ҳукм этиш ва уни ижро қилишга мораторий эълон қилган. Демак, давлатимиз бу борада ҳам энг мақбул ва инсонпарварлик тамойилга тўла риоя этиш йўлини танлади.

Кези келганда, Фармонда бел-

сани яратмоғимиз зарур. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада тегишли ҳуқуқий асосни шакллантириш йўлида талай ишлар қилинди, албатта.

Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларига доир олтита асосий шартномасини ратификация қилди ва улардаги қоидаларнинг бажарилишига доир ўзининг миллий маърузаларини тақдим этди. Халқаро мажбуриятлар доирасида умумэтироф этилган демократик меъёрларни қарор топтиришга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқ-

ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш бўйича Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юкланган вазифани бажариш асосида ана шу тажрибаларни ба-тафсил ўрганиб чиқиш, айниқса, қўл келиши тайин.

Албатта, зарур таклифларни ўз вақтида тайёрлаб тақдим этиш қатта меҳнат ва ушқоқликни талаб этади. Шу боис, ҳозирданок ушбу жараёнга пухта тайёргарлик билан киришилди. Бу ишга тажрибали мутахассислар, олимлар кенг жалб этилди. Бунда биз фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноҳижорат ташкилотлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлар билан ҳам бамааслаҳат иш олиб борамиз.

Бунда асосий эътибор ўлим жазосига лойиқ деб топилган жиноятларни содир этган шахслар учун уларни озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослашга қаратилади. Шунингдек, ўлим жазосига лойиқ деб топилган жиноятларга тайинланадиган жазо муддатларини ҳисоблаш, бунда жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари бўйича аниқ таклифлар бериш кўзда тутилмоқда.

Кўриниб турибдики, Фармон талабларини амалда татбиқ қилишга тайёргарлик жараёни учун муайян муддат талаб этилади. Ўзбекистон Республикасида жиний жазо тури сифатида ўлим жазоси 2008 йилнинг 1 январидан бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилишини назарда тутсақ, Фармонда кўрсатилган қатор ташкилий ишларни, тайёргарлик тадбирларини бажариш учун ихтиёрийимизда икки йилдан кўпроқ вақт бор.

Бу даврда, тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштиришдан ташқари, ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган маҳкумларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, бундай муассасаларда иш юритадиган ходимларни тайёрлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишга улгуришимиз даркор.

Бунда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда кишиларимизнинг муайян қисми ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши ва бу табиий ҳол. Негаки, ўлим жазосини бекор қилишдек мураккаб

масала бирон-бир жамиятда бир овоздан маъқулланмайди ёки ялписига инкор ҳам этилмайди. Ўзингиз ўйланг, яқин кишининг қотилига нисбатан олий жазо - ўлим жазоси берилишини талаб қиладиган кишини даб-дурустан айблаш ноўрин, албатта.

Шу билан бирга, ҳозирги замонда дунёда ўлим жазоси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояси - ўзаро тўғри келмайдиган тушунчаларди, деган фикр тобора устувор аҳамият касб этмоқда.

Биз, миллий давлатчилик тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шонли юрт фарзандлари, дунёни ўз тафаккури соҳасидаги халқаро ҳамкорлар билан ҳам бамааслаҳат иш олиб борамиз.

Адлу инсоф билан жаҳон гулшани обод бўлур, дейилади соҳибқирон бобомиз Амир Темур тузуқларида. Модомики, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси экан, демократик тараққиёт йўлида илғор давлатлар билан тенгма-тенг одимлаши, лозим бўлса, айрим масалаларда улардан ўзиб кетиши, уларга ўрнатилган ибрат бўлиши фарз ва қарзидир.

Ислоҳ Каримов бот-бот такрорлайдиган: «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» деган эзгу даъват ҳар биримизни бу борада фаол ва масъулият билан иш кўришга чорлайди.

Ҳозир шу мақсадда вазирлигимизда махсус дастур тайёрланмоқда. Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланишни, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасалари ва маҳалларларда, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида махсус тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этишни режалаштираёмиз.

Ишончимиз комилки, ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида олиб бориладиган тушунтириш ишлари ўз самарасини беради. Фуқароларимиз Юртбошимизнинг ушбу эзгу Фармони моҳияти ва аҳамиятини теран англаб, ҳамжихатлик билан қўллаб-қувватлайдилар.

Зеро, Президент Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони замирида, авваламбор, инсонпарварлик, адолатпарварлик, бағрикенглик каби халқимиз табиятига хос фазилатлар мужассамдир.

Бўриш Мустафойев,
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
ЎЗА/

Фармон ва ижро

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА САДОҚАТ ИФОДАСИ

Инсон - мукаррам зот. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз -Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида ўз-ўзимизга яна бир бор: Истиқлол бизга нима берди? - деб савол берар эканмиз, шак-шубҳасиз, истиқлол туфайли жамиятимизда аввало инсонга муносабат тубдан ўзгарганини тан оламиз. Айни пайтда бу борадаги неча минг йиллик миллий қадриятларимиз қайта қарор топганини, шу билан бирга, мустақил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик ғоялари тантанасига хизмат қилувчи умумэтироф этилган халқаро андозалар тобора устувор аҳамият касб этаётганини фахр билан қайд этамиз.

оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум этилганлар жазони оиласидан узилмасдан - оила аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш, фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига эга ҳолда ўтайди.

Маълумки, мамлакатимиз истиқлолга эришган пайтда амалда бўлган жиноятчиликка оид қонун ҳужжатларида жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган 33 та модда бор эди. 1994 йилги жиноят кодексига бундай моддаларнинг 13 таси қолган бўлса, 1998 йилда 8 тагача, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди.

Жиний жазони либераллаштиришга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотлар натижаси ўлароқ, 2003 йилдан буён фақат 2 турдаги жиноят учун ўлим жазоси кўзда тутилади. Ҳозир бундай жазо айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун тайинланиши мумкин, холос.

Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва ёши 60 дан ошган шахсларни ушбу турдаги жазога маҳкум этиш тақиқланган. Бошқача айтганда, давлатимизнинг бу борадаги сиёсати ўлим жазосини

Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: «Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала - бу жазолар тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир».

Бошқача айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш фурсати этилган ва уни ҳуқуқий йўл билан ҳал этиш лозим.

Президентимиз Фармони эндиликда бу ишларни амалга ошириш учун муҳим ҳуқуқий асосдир. Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида туб ўзгаришларни бошлаб берувчи ушбу дастурий ҳужжат юртимиздаги ижтимоий-сиёсий, кримноген вазиятга ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, бу жабҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва янада инсонпарварлаштириш учун пухта замин яратаяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фармонда гап, айрим мамлакатларда бўлгани каби, ўлим жазосига мораторий

гиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ ишлар хусусида тўхталиб ўтиш жоиз.

Ушбу муҳим ислоҳотни, аввало, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб бориш, бунда фуқароларимиз онгида демократик қадриятлар изчил, айни чоғда тобора мустаҳкам қарор топаётганини инобатга олиш талаб этилади.

Фармонда ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш, жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш заруратини аниқлаб етишини кишилар онгида мустаҳкамлаш зарурлиги белгилаб қўйилгани бежиз эмас.

Аслида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш, кафолатлаш - буларнинг барчаси бир қарашда оддийдек туюлгани билан, ўта мураккаб масалалардир. Уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши наинки давлатнинг самарали саъй-ҳаракатларига, балки жамиятнинг қай даражада тараққий этганига, инсонларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам боғлиқ.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқилса, даставвал, ўлим жазосини бекор қилишга доир қонунчилик база-

и амалга оширилаётир.

Миллий қонунчилик меъёрлари халқаро шартномаларнинг асосий қоидалари билан мувофиқлаштирилмоқда. Парламент томонидан ўн тўрт йил мобайнида қабул қилинган 15 та кодекс ва 415 та қонун инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларнинг асосий қоидаларига мослаштирилган.

Шунга қарамай, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз етарли. Фармонда белгиланганидек, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда уларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, мавжуд ибратли тажрибаларни ўрганиш ҳисобига амалга оширилмоғи лозим. Зотан, ўлим жазосини бекор қилган хорижий мамлакатларда ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш бора-борини тақдим қилиш таъминлаш, ҳусусан, тегишли қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиний жазолар тизимидан чиқариб ташлаш

Бугунги кунда ўрта махсус таълим муассасалари ўз олдларига замон талабига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадини қўйган. Шунга яраша ўқув юрларида ёшларга умумий таълим бериш билан бирга, ўзлари танлаган касб-хўнар сирларини пухта эгаллаган ёш мутахассис кадрлар тайёрланмоқда.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли ўқув-даволаш мажмуасида ҳам махсус синовлар бўлиб ўтди.

— ўқув даргоҳимиз акушер ҳамшира, информация йўналишларида мутахассислар тайёрлайди, — дейди ўқув-даволаш мажмуаси директори Ниғора Нурматова. — Жорий йилда 1000 нафардан ортиқ талабалар ҳужжат топширишди. Шулардан фақат 575 нафаригина, яъни энг иқтидорли ва билимли ёшлар махсус синовлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлиш бахтига мушарраф бўладилар. Ниятимиз, халқимизга, онаюртимизга илми, доно изланувчан, интилувчан, ширинсўз, етук мутахассисларни етказиб беришдан иборат. Ёш авлодга ҳар томонлама ҳам маънавий, ҳам дунёвий, тиббий, илмий билимларни бе-

Ўқув таскаларида

МАХСУС СИНОВАЛАР — ЯНГИЧА УСУЛДА

Мамлакатимиздаги ўрта махсус таълим муассасаларида махсус синовлар бўлиб ўтмоқда. Ўқувчилар ўзларикиди қутилган ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Қалбларда қатъият, дадиллик ва ишонч билан таълим маскани остонасига қадам қўяётган ўқувчиларнинг олий мақсадлари битта — у ҳам бўлса синовлардан муваффақиятли ўтиб, талаба деган номга сазовор бўлиш.

ришда бор маҳоратимизни, иқтидор ва тажрибамизни ишга солмоқдамиз.

Дарҳақиқат, ўшбу ўқув масканида махсус синовларда илк бор янгича усул қўлландики, бу ҳали бирор бир ўқув даргоҳида йўлга қўйилмаган. Имтиҳон ўтаётган хоналарга видеокамералар ўрнатилган бўлиб, ҳар бир ўқувчининг ота-оналари, яқинлари фарзандларининг синовдан ўтиш жараёнини бемалол кузатиш имконига эга бўлдилар. Ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ва поликлиника ходимларидан тузилган назорат жамоаси, синовларнинг

ўтишини бошдан охиригача назорат қилиб бордилар. Ота-оналарга синов тугагунга қадар қутлиш учун барча шарт-шароитлар яратилди, бинобарин, қутлиш хоналари, чанқовбосди сувлар ҳозирланди. Биз махсус синовлар вақтида ўқувчиларнинг яқинлари фикрини билишга қизиқдик.

Гулчеҳра ҲОШИМОВА, Себзор даҳаси:

— Менинг қизим Гулноза шу ўқув масканида таълим олиш истиқоидда ҳужжатларини топширган. Мана бугун синов куни, ростки, жуда ҳам хайратданман. Ота-оналар учун ташкил қилинган қулайликлар

мени хурсанд қилди. Қизимнинг ўқишга киришига ишонаман. Чунки махсус синовлар кўз ўнгимизда адолатли ўтатилади. Хатто ичкарига кириб ўшбу жараёнини кузатишга ҳам мушарраф бўлдим. Ҳаммаси одилона тарзда режалаштирилган. Истардимки, бошқа коллежларда ҳам шундай ишлар йўлга қўйилса. Бундан наинки биз ота-оналар, балки фарзандларимиз ҳам манфаатдор булардилар. Қисқаси, кўнглимиз тинч ва хотиржам. Одилона тизим кайфиятимизни кўтарди. Бунинг учун коллеж раҳбариятига миннатдорчилик билдираман.

Ҳа, мазкур ўқув-даволаш мажмуасида бўлажак тиббиёт ходимлари синов давомида ҳеч қандай «шпаргалка»дан фойдалана олмайди. Ўз билимига суянган ҳолда иш кўради. Талабалик — олтин давр, унга эришиш учун эса қўнт билан ўқиш керак.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли мазкур тиббиёт масканида поликлиника ҳам мавжуд бўлиб, талабалар ўз билимларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб борадилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Шарқ дурдоналари



● Меваларни ейишдан аввал ювиш керак. Чунки кўп жониворлар уларни ифлосланган бўлади. Айниқса, узумни шундай қилиш кўпроқ таъкидланади. Ювиб эмаслик баъзида ўлимгача олиб боради. Овқатдан кейин қўл ва панжаларни ювиб, тозаламоқ зарурдир. Уй эгасининг қоида-си шундайки, у овқатдан аввал қўлини ювиб, овқатдан сўнг энг охирида ювади. Ўтирганларнинг қўл ювишини чўзмаслик ва бошқаларни мунтазд қилиб қўймаслик зарур. Сувдан тезда қўл тортиқмоқ керак, токи бошқаларга наваб тезроқ етади. Қўлни либосга артмаслик керак. Бу фаҳмисизлик аломатидир. Агар даструмоли бўлмаса қўлни юзга ёки соқолига суртмоқ керак.

● Тежамкор одам яхши ейди, яхши ичади, покиза кийинади, хушхаво уйларида яшайди, керакисиз нарсаларни сотиб олавермайди, ҳақиқий зарур нарсаларинигина харид қилади. Бировларга қўлидан келганча ёрдам қилади. Яхшилик йўлидаги ишларга пулини аямайди, саховатли бўлади. Ватани ва халқи учун молини ҳам, пулини ҳам аямайди.

● Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. 10 сўмга олинмаган нарсаси учун ҳовлиқиб, 100 сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларигагина сарфлайди. Ҳар бир ишда ўртача йўл тутайди.

● ХИКМАТ. Ҳинд ҳақимларининг киноя қилиб ёзишларида ўз мол-мулкларини яхшилик йўлида сарфламайди, на бахил кишилар «сахий» кишилардир. Чунки ўзлари емай, ҳаммасини ўзгалар учун қолдирадилар.

Қириб:
Тўрт дарё лабига
бутимор қуш,
Чекар дарё сувидан
доимо ғам.

Ўзича ўйлагай:
ичсамми ё йўқ,
Агар ичсам бўлар
дарё суви кам.
Дилида ҳиммати йўқ
хар бахилнинг,
Шу хушга ўхшаган
фёлу иши ҳам.

Хирсининг
ўткирлигидан нонини,
Ўз ўзига
кўрмагай лойик, укам!

● Хурматли устозим айтар эди: «Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарсасаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбўй хид ва ҳазм бўлиши қийин қаттиқ емиш!»

Хикмат ахларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарсасаб олитта дейилади: «Тунда кам ухлаш, кундузи кўп ухлаш, пешобни узок тутиш, тўқ қоринга яна овқат ейиш, кечаси совуқ сув ичиш ва ортиқча жинсий алоқа қилиш!»

Одамзот кўп ейишни асло одад қилмаслиги керакки, ҳақиқатан ҳам кўп ейиш ҳайвонлар одатидир. Хикмат қонунқоидаси бўйича эса номақбулдир. Демак, инсон овқат ейиш борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Имкон борича кам ейиши, тўри келган вақтда овқатланавермаслиги лозим. Ана шундай қилган киши табиғат асло муҳтож бўлмайди.

Пойтахтда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси томонидан юртимизнинг истеъдодли ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Янги авлод-2005» фестивалнинг саралаш босқичи ўтказилди.

“ЯНГИ АВЛОД — 2005” ФЕСТИВАЛИ

Маълумки, юртимизда санъатнинг бир қанча йўналишлари бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки дунё ахлини лол қолдириб келаётган иқтидор соҳиблари қўллаб-қувватлаш мақсадида маданий тадбирлар, хусусан, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси томонидан ташкил этилган «Янги авлод-2005» фестивали салмоқли ўрин эгаллаб келмоқда. Ёш авлод вакиллари орасидан янги истеъдодларни кашф этиш, мамлакат санъатидаги янги ниҳолларни юзга чиқариш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида аъёнаниб тарзда ўтказилиб келинаётган ўшбу фестивал бажонларнинг севимли байрамга айланди.

Йилдан-йилга мазкур фестивалнинг танлов қамрови кенгайиб, бутун республикани ўз ичига олмақда. Ўтган йили фестивал фақат Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган бўлса, бу йил Ўрганч, Фарғона шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. Уч босқичда ўтказилаётган тадбирда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ашула, миллий чолғучилик, рақс, тасвирий санъат, шеърнинг ва насрий асарлар бўйича ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Фестивалнинг финал босқичи 15 август куни пойтахтдаги мухташам Халқлар дўстлиги саройида гала-концерт тарзида ўтказилди. Саралаб олинган голибларни халқимизнинг севикли хонандалари кутлайди.

«Туркистон-пресс»

Мағбурлар

СОҒЛОМ ЁШЛАР — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Шайхонтохур туманидаги «Катта бог» маҳалласида «Биз гиёвандликка қаршимиз», «Соғлом авлод—соғлом келажак» мавзусида давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Маҳаллаларда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш ҳамда истеъмоладан қийинчиликнинг олдини олиш—умумжаҳон аҳамиятига молик масала эканлиги бугун кундек равшан.

«XX аср вабоси» ҳисобланган наркотик моддалар инсоният келажаги учун ўта хавфли эканлиги, кишилар тинчлиги, саломатлиги, руҳиятига қанчалик таъсир этиб, нопок ишлар, даҳшатли воқеалар юз беришига сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Барча мамлакатларда наркотик моддаларни истеъмоладан қийинчилик олдини олишга ҳаракат кунаймоқда. Наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, бу бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик мамлакатлар хавфсизлиги, барқарорлигига катта хавф туғдиришда, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига маънавий зарари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида қўллаб маълумотлар берилмоқда.

Мустақилликка эришилган кунлардан оқ Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида наркотик бизнесга қарши кураш борасида катта саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Шу муаммога тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарида наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, унинг ҳалокатли оқибатлари мамлакатнинг хавфсизлигига катта таҳдид солаётганлигига алоҳида аҳамият бериб ўтди. Наркотик моддаларни қонунга хилоф равишда истеъмоладан қилиш қўламини ва характери йилдан-йилга кенг тарқалмоқда. Бу

эса «оқ ажал»га қарши кураш фаолиятида турли-туман усулларни талаб этмоқда. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари орасида гиёвандликнинг кенг тарқалаётганлиги, уни истеъмоладан қилувчиларнинг «ёшариши», айниқса болаларнинг наркотик моддаларнинг истеъмолига айланиб бораётганлиги жиддий таъшишга солаётган масалага айланмоқда.

Бўлиб ўтган давра суҳбатларида гиёвандликнинг даҳшатли касаллик ҳисобланган СПИД/ВИЧ билан ҳам узвий равишда боғланганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Гиёванд моддалар организмда кечадиган ҳаётий жараёнларга ва истеъмоладан организмнинг барча аъзоларига кучли салбий таъсир кўрсатиши ҳақида ҳам сўз борди. Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи умумийлик йўли, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, ҳозирги ва келажақ ҳаётимизда нечоғлик улкан аҳамиятга эга эканлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифаси ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмақлашишдан, уларнинг манфатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат эканлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Нодира НИЗАМОВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими.

Хайри ташаббус

ҲУҚУҚШУНОС ТАЛАБАЛАР МАҲАЛЛАЛАРДА

Тошкент Давлат юридик институти талабалари ёзги амалиётни суд-прокуратура органларида ўтаётган бир пайтда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Жумладан, Миробод туманида Тошкент давлат юридик институти ўқувчиси Ф.Муҳиддинова раҳбарлигида амалиёт ўтаётган бир гуруҳ талабалар суд жараёнидан ташқари, маҳаллаларда бўлиб, «Конституция — бора қомусимиз», «Конституцияда ҳуқуқ ва эркинликлар» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказдилар. Шундай учрашувлар

яна тумanning 174- сонли, 60- сонли болалар боғчасида, А.Авлоний, «Истиклол» каби маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди. Талабалардан И.Алиакбаров, С.Мадумарова, Ш.Тўхташева, Ш.Аҳмедова бугунги кунда линоят ва жазо масалаларида либерализм гояларини, яъни жазони енгиллаштириш, авф этиш ҳамда ярашув институтларининг

тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. А.Авлоний маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Г.Ҳасанова талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигига, фуқаролар билан тез-тез учрашиб турганлигига миннатдорчилик билдириб, билимдон, доно, ақли талабаларнинг келажақда энг яхши юрист кад-

рлар бўлиб етишишига ишонамиз, ҳар бир маърузачи ўз фикр ва мулоҳазаларини мустақил баён этиб, фуқароларимиз олдига ўз билими ва нутқини ифода қилди, деди.

Дарҳақиқат, талабаларнинг йиллар давомида ушалаётган орзу-умидларидан бири ҳуқуқшунос бўлиш бўлса, бугунги кунда амалиёт шунки кўрсатмоқдаки, халқ билан ҳамнафас бўлиш, кишилар қалбига йўл топа олиш ҳуқуқшунос учун олий фазилатдир. Эеро, барча яхши нарсалар инсон ва унинг бахт-саодати учун экан, талабаларнинг олган билим ва тарбияси ҳам шу юрт келажаги ва раванси учун қизмат қилиши лозим.

Фаррух ЖўРАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси.

Маҳалла кўни

БАРЧАГА ЗАВҚ УЛАШИЛДИ

Халқимизда “Маҳалла — ота-онанг”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” сингари мақоллар мавжудки, уларнинг барчаси элу юртнинг маҳалла тизими бўлган хурмат ва эҳтиромдан дарак беради. Шу боис давлатимиз раҳбарияти Мустақилликнинг ilk йилларидан оқибат мазкур тизимнинг таъсирчан механизмини кучайтириш, жаҳон андозаларига мос равишда ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда “Маҳалла кўни” байрам сифатида кенг нишонланади. Бу шодиёналарнинг ижтимоий кадр- киммати ҳақида илик фикрларни айтишга ҳақимиз. Негаки, бундай тантаналарда инсонлар ўртасидаги соф самимият юзага келади, меҳр ва мурувват тафтидан диллар фароғат топади.

Кўни кеча Учтепа туманида бўлиб ўтган байрам тадбирида тумандаги 53 та маҳалланинг ёшу кексаси Акмал Икромов номлидаги маданият ва истироҳат боғига тўпландилар. Дашқозонларда лаззатли ош пиширилиб дастурхонларга тортидди. Дилрабо куй-қўшиқлар барчанинг кўнглига илик кайфият улашди.

Тадбирда иштирок этган туман ҳокими Қобилжон Накибов йирилганларни кўтлар экан, ўтаётган йилнинг Юртбошимиз томонидан Сихат-саломатлик йили сифатида эътироф этилиши маҳаллалар ҳаётига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатганлиги, хусусан, жойларда аҳолининг тиббий муҳофазасини мустаҳкамлашда катта имкониятлар эшигини очиб берганлигини алоҳида таъкидлади.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида йигирмага яқин оилаларга турли кўринишдаги моддий ва маънавий кўмак беришга ҳаракат қилдик — дейди тумандаги “Боғичинор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўрабой Умаров. — Ҳозирда яна етти нафар маҳалладошларимизни моддий қўллаб-қувватлаш чораларини кўрмоқдамиз.

Дарҳақиқат, Учтепа туманида маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада кўлланилган келганча фаолият юритаётган заҳматқашлар ҳам анчагина. Шу боис байрам муносабати билан уларга мутасадди ташкилотларнинг Фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалари топширилди. Хусусан, “Энг ибратли маҳалла оқсоқоли” кўриқ-танловида ғолиб деб топилган Абдулла Кодирий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Файзуллоҳжон Маннопов, Хондамир маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Шохидохон Бадалова, “Энг фаол маҳалла оқсоқоли” кўриқ-танлови ғолиби “Бирлик” маҳалласи оқсоқоли Собиржон Рўзиев “Кўкча Оқтепа” маҳалласи оқсоқоли Собитхожи Имомов, “Энг намуналий диний маъ-

рифат ва маънавий — ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўриқ-танлови ғолибаси Олтиной Кенжабоевалар шулар жумласидандир.

Хидирали ПАНЖИЕВ, СУРАТЛАРДА: «Маҳалла кўни» тадбиридан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан маҳалла болаларининг ёзги дам олишларини ташкил этиш ва улар орасида ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм, ёшларнинг ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни жисмонан соғлом қилиб қамол топтириш мақсадида, қолаверса яқинлашиб келаётган улуг ва азиз байрамимиз Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан “Эски шаҳар” номли акция ишлаб чиқилди.

«Қамолот»

ЯНГИ АКЦИЯ БОШЛАНДИ

— Ушбу акцияга Эски шаҳар ҳудудида жойлашган “Қатта боғ”, “Сузукота”, “Эшонгузар”, “Янги шаҳар”, “Гулбозор”, “Зангиота” маҳаллалари қамраб олинган бўлиб, у бир қатор тадбирларни ўз ичига олади. — дейди “Маҳалла умидлари” маркази раиси Шаҳноза Умархўжаева. — Маҳалла болалари ўртасида “Ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм ва жиноятчиликнинг олдини олиш” мавзусидаги амалий ўқув машғулотлари, “Тарихсиз келажак йўқ” номли маҳалла тарихи ҳақида давра суҳбатлари, “Эски шаҳар” соврини учун шахмат-шашка бўйича спорт мусобақалари, футбол, баскетбол, теннис бўйича спартакиада мусобақалари, “Менинг кўчам, менинг маҳаллам” ободонлаштириш акцияси, Эски шаҳарда туғилиб ўсган машҳур инсонлар билан учрашувлар, “Уй бекаси”, “Бўлғуси она”, “Уй ҳамшираси” номли ўқув семинарлари, ҳаваскор ўсмир ёшлар ўртасида суратлар кўриқ-танловлари, “Турри овқатланиш, шахсий гигиена, ёшларнинг репродуктив саломатлиги” каби мавзуларда тадбирлар ўтказилади.

Тадбирларнинг масъул ва ҳамкор ташкилотлардан жалб этилган мутахассислар, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилик ҳамкорликда ўтказиладилар. “Эски шаҳар” акцияси режа асосида йил якунига қадар амалга оширилади.

Дилфуза ЖАЛОЛОВА

Қарор ва ижро

ТЕХНИК КҮРИК — ХАВФСИЗ ҲАРАКАТ

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланганини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга жиддий эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасидан хабар қилишларича, шу кунларда жойларда автобус ва енгил машиналарни техник кўриқдан ўтказиш ишлари давом этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ «Техник кўриқ-2005» тадбирларида барча қор-

хона, муассаса ва ташкилотларга қарашли транспорт воситалари ҳамда шахсий автоуловлар тўлиқ назоратдан ўтказиляпти.

— 31 августга қадар давом этадиган бу кўриқда турли русумдаги автобуслар, юк машиналари, шахсий транспорт воситаларини диққат билан текширувдан ўтказаямиз, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 2-диагностика тармоғи бошлиғи, подполковник Шухрат Аҳмаджонов. — Шунингдек, автомобиль ўхтаб туриш жойларида шахсий автоуловларни кўчма техник кўриқдан ўтказиш ишларини ҳам йўлга қўйганмиз.

УЗА

Ёшлар — келажакнинг

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

«Қамолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман бўлими фаолияти билан яқиндан танишиш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, туманда истиқомат қилувчи болаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишларини тўғри ташкиллаштириш ҳамда ёзги таътилларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш ва тажриба алмашиш мақсадида Жанубий Кореянинг «АНАКА» ташкилоти ёшлар гуруҳи туманга ташриф буюришди.

Ушбу ташриф давомида ўзбек ва Корея ёшлари давлатнинг ўқсалишида ёшларнинг ўрни, уларнинг ташкилот ва сиёсий партиялардаги фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек «Қамолот» ЕИХ сардорлари ва етакчилари ишлари билан танишиб тажриба алмашдилар.

Хорижлик меҳмонлар билан ҳамкорликда маданий тадбир ташкиллаштирилди. Унда Корея ёшлари «Салом, Ўзбекистон», «Қани, ёшлар» мавзусидаги қўшиқларни куйладилар. Ўзбекистонлик ёшлар эса «Омонёр», «Йўл бўлсин», «Фаргона-тоғ отгунча» каби миллий

қўшиқларни куйлаб, чиройли рақсга тушдилар.

Ташриф давомида ўзбек ва Корея ёшларидан тузилган гуруҳлар спорт мусобақалари, интеллектуал ва маданий ўйинлар, миллий қўшиқлар, миллий урф-одаглар борасида ўзаро беллашдилар. Натижаларга кўра мезбон жамоаси ғолиб бўлди.

Энг муҳими, уюштирилган маданий-маърифий тадбирлар орқали Жанубий Кореядан ташриф буюрган ёшлар «Қамолот» ЕИХнинг фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот олдилар.

Азимжон ХУСАНОВ, Азиза МУҲАМЕДОВА

Ёш — кизик

ТЕАТР САҲНАСИДА...

Балтимордаги театр саҳнасида кўрсатилаётган пьесада жон таслим этаётган буви ролин ижро қилаётган 60 ёшли америкалик актриса Эдит Вебстер саҳнада оламдан ўтди. «Улимимдан сўнг мен ҳақимда гапирманг» сўзларини айтиб тугатгандан сўнг у юрак касали ҳуружи натижасида жон берган.

Рўй берган бахтсиз ҳодисадан актёрлар оғоҳ бўлишгач, залда ўтирган томошабинларга қарата уларнинг орасида врач борми, деб мурожаат этишган. Бироқ томошабинлар бунинг ҳаммаси сценарий бўйича давом этяпти деб уйлашган...

«АҚЛЛИ» ВАГОНЛАР

Шу яқин йилларда метро тоннеллари бўйлаб «ақлли» поезدلлар қатнай бошлайди, деб ваъда беришмоқда француз инженерлари.

Вагонга кирган киши ўз манзилининг номи ёзилган кнопкани босади ва ер ости «такси»си уни истаган манзилга элтиб қўяди. Бунинг ҳаммасини электроника бажаради.

ИТАЛЬЯНЧАСИГА АЖРАЛИШ

Ажралиш ҳақидаги ўзининг қарори тўғрисида эр ва хотин қанча фурсат мушоҳада қилиши керак? Италияда бунинг учун беш йил талаб этилади.

Никоҳни бекор қилиш ҳақида мамлакатда янги қонун лойиҳаси тайёрланди. Унда ажралишни расмийлаштиришни беш йилдан уч йилга қисқартириш кўзда тутилган. Италияликлар ўртасида мазкур қонун лойиҳасига турлича муносабат билдирилмоқда.

Уни истақдан тезроқ парламент орқали эътирозгача етказишга интиломоқдалар.

«УЧУВЧИ БУВИ»

Мюнхенлик Андреас Ноттбек Бавария пойтахтида «учувчи буви» сифатида донг таратган. У дельтапланеризм билан шуғулланади. Европа дельтапланчилари ўртасида Ноттбек энг ёши улугдир. Келуси йили у 90 ёшга киради. Ҳар ҳафтада у уч-тўрт соат фазода бўлади. Тўрт фарзанд онаси, тўрт набира ва эвара бувиси Ноттбекнинг асаб системаси, кўриш ва юрагининг ишлаш қобилияти аъло даражада экан. Руминиянинг «Магазин» ҳафталик газетаси «учувчи буви» ҳеч қачон спиртли ичимлик истеъмол қилмаган, чекмаган ва олти яшарлигидан велосипед, альпинизм ва спортнинг сузиш турлари билан шуғулланган деб хабар қилади.

Спорт

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Миллий терма жамоамиз англиялик янги мураббий Роберт Хоугтон етакчилигида 17 август куни энг масъулиятли учрашувлардан бирини ўтказадилар. Тошкентда Кувайт терма жамоаси билан ўтказилган жаҳон чемпионати саралаш босқичининг сўнгги учрашуви кўп нарсани ҳал қилади.

Зеро, ушбу ўйинда чарм тўп усталаримиз галаба қозонишадиган бўлса, гуруҳда Жанубий Корея ҳамда Саудия Арабистони терма жамоаларидан кейин учинчи ўринни эгаллайдилар ва 2 ҳамда 7 сентябрь кунлари «плей-офф» бахсларида Баҳрайн терма жамоасига қарши тўп суриш имкониятини кўлга киритдилар. Ушбу учрашувларда муваффақият қозонган терма жамоа эса Шимолий ва Марказий Америка конфедерацияси (КОНКАКАФ) минтақасида туртинчи ўринни эгаллаган жамоа билан ўзаро куч синашиб, жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланмани кўлга киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўтган кундан бошлаб терма жамоамиз Кувайт билан ўтказиладиган ўйин олдиндан сўнгги ўқув-машқ йиғинларини бошлади. Шу муносабат билан 15-турдаги «Пахтакор» — «Қизилқум» учрашуви бошқа кунга кўчирилди. Бош мураббий тўққиз кунлик ўқув-машқ йиғинларида қатнашадиган ҳамда Кувайт билан беллашувда майдонга тушиши кўзда тутилган ўйинчилар рўйхатини эълон қилди. Унда Россия, Украина ва Козогистоннинг етакчи жамоаларида тўп сураётган Евгений Сафонов, Фезви Давлетов, Андрей Фёдоров, Николай Ширшов, Леонид Кошелев, Александр Гейнрих, Марат Бикмаев, Максим Шацкий каби маҳоратли чарм тўп усталарининг ҳам борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугун Туркманистон терма жамоаси билан ўтказишчи лозим бўлган ўртоқлик-назорат учрашуви муддати Туркманистон Кубоги ўйинларининг чорак финалига тўғри келиб қолганлиги сабабли ташкил этилмайди. Бу демак, Кувайт терма жамоаси билан ўйинга қадар футболчиларимиз бирорта ҳам ўртоқлик учрашувида қатнашишмайди.

Кувайт терма жамоаси эса эртага шаҳримизга келади. Рақибларимизнинг тайёргарлик машғулотларини ўтказишлари учун «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси стадионида барча шарт-шароитлар яратилади.

(Ўз мухбиримиз)



ТОШКЕНТНИНГ ОҚШОМЛАРИ — ГЎЗАЛ ШОМЛАРИ.



Нихоят мамлакат миллий XIV чемпионатининг иккинчи давра мусобақаларига старт берилди.

Футбол

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Айтиш жоизки, 14-тур баҳсларини пойтахтимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» галаба билан бошлади. Наманганда мамлакатимизнинг номдор жамоаларидан бири «Навбахор» билан куч синашган тошкентлик футболчилар майдонга фақат галаба қозониш иштиёқида тушганликларини ҳеч қимдан яшириб ўтиришмади. Майдонда тўп билан аниқ ҳаракат қилиш, дарвоза томон тезкор хавфли ҳужум уюштириш борасида мезбонлардан яққол устунлик қилган меҳмонлар беллашувда рақиблари дарвозасини уч марта аниқ нишонга олишга муваффақ бўлишди. Тошкентлик футбол мухлисларига лаззатли онларни ҳаё этган тўпларни дарвозага «Пахтакор»дан Копалде, Солиев йўллашган бўлса, наманганлик футболчи Салимқулов меҳмонларнинг хавфли ҳужумини қайтараман деб ўз дарвозасига гол киритиб қўйди. Ва мазкур қизиқарли учрашув 3:0 ҳисобида «Пахтакор»нинг йирик галабаси билан аяқланди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Самарқанд-Динамо» — 1:0, «Насаф» — «Локомотив» — 2:1, «Қизилқум» — «Трактор» — 2:1, «Бухоро» — «Металлург» — 3:1, «Тўпаланг» — «Сўғдиёна» — 4:2, «Машъал» — «Шўртан» — 3:0.

Миллий чемпионатнинг 15-тур баҳслари ЭРТАГА бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Мунажжим башорати

ОДАТИЙ МАРОМДА КУННИ ЎТКАЗИНГ

11 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Бугунги пайшанба сулҳпарварлик ва оққўнғилликка мойилликни кучайтириб, астрологик фони ҳам шунга яраша осойишта бўлади. Лекин бугун, мунажжим Лидия Неведамскаянинг фикрига асосланган бўлсак, янги ишга қўл уриб бўлмайди. Зеро, шу кунни қарийб бутун кун давомида (соат 00.11 дан 15.36 гача) Ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўлади. Бу эса, кўпчилик одамлар ўз эҳтиросларига эрк бериб, истакхошиларининг қулига айланишларини билдиради. Худди шунинг учун ҳам уларнинг хатти-ҳаракатлари ўзлари йўлаганчалик бўлиб чиқмай, аксинча бўлиши мумкин.

Бошқа бир мунажжим ҳам бу кунни жиддий кунлардан бири деб ҳисоблайди: ўз бурчини садақат билан бажариш, адолатсизликларга қарши курашиш, мустақил ва таваққалига иш туттиш орқали энг масъулиятли лаҳзаларда мадад ва ёрдам келиши, яъни фавақулда ҳолларда галабага эришишга олиб келади.

Сирли, жиддий ишлар учун кун омадли бўлиб, аммо янги танишувлар оқибати яхши бўлмайди. Ўтга, темирга алоқадор барча ишларда муваффақиятларга эришиш мумкин. Пул муомаласи билан боғлиқ ишлар, қарз олиш, сафарга чиқиш, янги ишларни бошлаш учун бу кун қўлай эмас.

Бугун сўзларга жуда эҳтиёткорлик талаб қилинади — алдаманг, иво ва ғийбат қилманг, бировни ёмонламамг. Минерал тошларни харид қилиб, уларга пардоз бериш билан шуғулланиш мумкин. Ойнинг ҳаракат мароми муқаддас китобларни ўқиб ўрганиш, кексалар дуолари учун самарали бўлишини таъминлайди. Очқў хавода нафас олиш машқлари билан шуғулланиш, оқинларни парваришlash ёки боғларда ишлаш, уй ҳайвонларига ғамх

ўрлик қилиш фойдали.

Ўткир маъдан буюмларни топиб олиш — душманларингиз устидан галаба қозонингизга ишора. Айниқса, пичоқ топиб олсангиз — омадингиз келгани, ўрнига танга ташланг. Ёмгир остида қолиш — сирларингиз фош бўлишидан огоҳлантиришди.

Жўшқин тушлар кўриш — яхшиликка. Сувни кўриш, шунингдек кўзгуда ўз аксини кўриш ноҳушликлардан хабардор қилади.

Бу галги пайшанбада жигар, буйрақлар, пешоб йўллари ва бадан терилари хасталикларга мойил бўлади. Спиртли ичимликлар ва дори-дармонлар истеъмолини чеклаш керак. Бугун айниқса товуқ гўшти ва тухумини истеъмол қилишдан тийилинг — улар саломатлигингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кийим-кечаклардан қизил, юлғун ва олт-инранг либослар ярашқили бўлади. Яшил ва қора ранглардан узокроқ бўлинг.

БУГУН:

— бошлаб қўйганингизга анча бўлган ва давом эттирилишини талаб қиладиган ишлар билан шуғулланиш;

— қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун идишлар, материал ва ашёлар харид қилиш;

— оямборхона, ертўла, сарой ва бошқа рўзғорбоп хоналарни қайта қуриш ва жиҳозлаш;

— турар-жойларингизда энгил таъмирлаш ишларини бажариш, дераза ромларини бўяш, деворга ёпиштирилган қоғозларни елимлаш;

— кийимларингизни тартибга келтириш — тозалаш, йиртиқ-ямоқ ишларини бажариш;

— халқ амалиётда қўллайдиган тажрибалардан фойдаланиш;

— тер тўкиб меҳнат қилиш (омадингиз, ғайратингизга боғлиқ) тавсия этилади.

Танбаллик, ўзини ортиқча аяшдан ўзингизни тийинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР . ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ Кузатув кенгашининг қарорига биноан 2005 йил 24 август куни соат 11.00 да жамият идорасида бўладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий мажлиси кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Жамиятнинг 2005 йилги иш режа (бизнес-режа)сини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2005 йилги мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Мажлисида акциядорлар реестрининг 2005 йил 5 август ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

Эслатма: Умумий мажлисга доир материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, Чилонзор Г9-А мавзеси «Фарҳод деҳқон бозори»да жойлашган жамият идорасида танишишлари мумкин. Тел: 117-30-65, 117-36-74

Кузатув кенгаши.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулини
босилади.

3724 нуссада босилди. Қоғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер

марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босямоноси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.